

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда кейинги йилларда энгил саноат тизимининг изчил тараққий этаётгани мазкур соҳада қўлга киритилаётган ютуқлар кечаги кўрсаткичлар билан таққосланганда, кўзга яққол ташланади.

Маҳаллий корхоналаримизда тайёрланаётган рақобатбардош маҳсулотлар ички бозор эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш баробарида, хорижда ҳам ўз харидорини топмоқда. Бинобарин, бундай ўзгаришлар аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадларини кўпайтириш, турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилапти.

Бунда Хоразм вилоятида фаолият юритаётган 458 та энгил саноат корхонасининг ҳам муносиб улуши бор, албатта. Айниқса, “Урганч бахмал”, “Хоразм ипаги”, “Kobotex”, “Vicot iprex”, “Даритал текстиль” масъулияти чекланган жамиятлари, чет эл инвестицияси иштирокидаги “Хива” каби ишлаб чиқариш субъектлари фаолият эътиборга лойиқ. Чунки ўтган йили ҳудудда 325 миллиард сўмлик тўқимачилик маҳсулотлари тайёрланган бўлса, унинг аксарияти мазкур корхоналар ҳиссасига тўғри келди.

Шундай истиқболли корхоналардан бири ўтган йили Шовот туманининг Чигатойқалъа қишлоғида ўз фаолиятини бошлаган эди. Масъулияти чекланган жамият шаклидаги мазкур “Uztex Shovot” кўша корхонасини ишга тушириш учун жами 33 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестиция жалб этилди. Кўп ўтмай, у Швейцариянинг “Rieter”, Япониянинг “Murata” компанияларида тайёрланган энг сўнгги русумдаги ускуналар билан жиҳозланди.

(Давоми 2-бетда).



Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Эллиққалъа туманидаги “Сахтиён” шаҳарча фуқаролар йиғини ҳудудда тикувчиликка ихтисослаштирилган “Сухроб-Зоҳид” хусусий корхонаси иш бошлаши билан касб-хунар коллежларини битирган 12 нафар қизнинг бандлиги таъминланди.

Кредит, фаолият, самара

Банк кредити ҳисобига амалга оширилган мазкур лойиҳа натижасида тиббиёт муассасаларида қўлланиладиган баҳила ва кўрпа-ёстиқ жилдлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Ўтган қисқа муддатда жамоа аъзолари 85 миллион сўмлик буюртмаларни бажаришга муваффақ бўлди. Айни пайтда корхона маҳсулотларига нафақат Қорақалпоғистон Республикаси, балки бошқа вилоятларда ҳам талаб ортиб бормоқда.

Умуман, Оролбўйи минтақасида жорий йилнинг дастлабки чорагида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 53 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Экспорт ҳажми ошди

Янгиер шаҳрида фаолият кўрсатаётган “Кармента Ян Текс” корхонасида жорий йилнинг биринчи чорагида 540 минг АҚШ долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг салкам 95 фоизи экспорт қилинди.

— Яқинда пайпоқ тўқиш цехини ҳам ишга туширдик, — дейди корхона бош директори Шуҳрат Отажонов. — Бунинг учун ривожланган мамлакатлардан умумий қиймати 150 минг АҚШ долларлик технологиялар келтириб ўрнатдик. Айни пайтда 15 нафар мутахассис томонидан бошқарилаётган мазкур технологик линияда 20 турдаги пайпоқлар тайёрланапти. Айтиш керакки, вилоятда 2013 йилнинг дастлабки чорагида барча манбалар ҳисобига 10225 та иш ўрни яратилди.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Иш ўринлари кўпайди

Дўстлик туманидаги “Дўстлик толаси” масъулияти чекланган жамияти фаолият турини кенгайтириб, вилоят марказида нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйди.

— Технологиямизнинг ихчам ва тежамкорлиги аҳолини арзон ҳамда сифатли маҳсулот билан таъминлашда муҳим омил бўлапти, — дейди жамият раҳбари Олимжон Тошбеков. — Ҳозир истеъмолчиларга кунига 2 минг дона қолипчи нон ва қадоқланган идишларда қандолат маҳсулотлари етказиб бераёмиз.

Айни пайтда жамият негизда тикувчилик цехини ишга тушириш режалаштирилмоқда. Ушбу лойиҳа рўёбга чиқиши билан жамоада меҳнат қилаётганлар сони 2,5 баробарга ортиб, 25 нафарга етади.

Улукбек АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Оилавий тадбиркорлик шарофати

Сопол ва чинидан турли шакл ҳамда безақдаги ошхона анжомлари ясаш билан яқка тартибда шуғулланиб келган оҳангаронлик ҳунарманд Муҳиддин Хўжакелидиев яқинда ўзининг оилавий корхонасини ташкил этди.

— Бу ерда оиламизнинг барча аъзоси ўз иш ўрнига эга, — дейди ҳунарманд. — Мендэй пиштаман, шакл бериш ва андоза тайёрлаш ўғилларим зиммасида. Рафиқам Зебоҳон ҳамда қизим Мафтунаҳон тайёр идишларга бежирим ҳамда сержилло нақшлар чиқишда. Шу тариқа аъъанавий куллулик асосида миллий ва замонавий ди-

зайндаги ўн турдан зиёд уй-рўзғор буюмлари, жумладан, лаган, коса, чойнак-пиёла тўпламлари тайёрляяпти.

Таъкидлаш жоизки, охириги бир йил ичида туманда оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига 1200 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан ташкил этилган «Ўзбекистонда сайлов жараёнини янада демократлаштиришнинг долзарб масалалари» мавзусида республика семинари бўлиб ўтди.

Семинарда Марказий ва ҳудудий сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар раҳбарлари, сенаторлар, Қонунчилик палатаси депутатлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қатор халқаро ташкилотлар, шу жумладан, БМТТД, ЕХХТ вакиллари, сайлов ҳукуқи соҳаси олимлари ҳамда мутахассислари иштирок этди.

Тадбирда давлат ҳокимияти вакили органларига бўладиган сайловнинг юксак савияда таш-

кил этилиши ва ошқоралигини таъминлаш, сиёсий партияларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда сайлов кампанияси давомида партиялараро рақобатни, депутатликка номзодлар баҳслашувини кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов семинарни

очар экан, очик ва эркин сайловлар Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим таркибий қисми, халқимиз ўз хоҳиш-иродасини билдиришининг, фуқароларимизнинг давлат ҳамда жамият ишларини бошқаришдаги иштирокининг асосий шакли ҳисобланганини таъкидлади. Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мил-

лий сайлов тизимини, бу борадаги тегишли қонунчиликни ривожлантириш ва янада эркинлаштиришда янги босқични бошлаб берди.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида мамлакатимиз парламенти 2012 йил 5 декабрда «Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни маъқуллади.

(Давоми 2-бетда).

Бунёдкорлик шукуҳи

Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг улкан эътибор ҳамда ғамхўрлиги, ҳукуматимизнинг амалий ёрдами билан Андижон саноати, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданияти ривожланган вилоятга айланди. Пахтачилик, галлачиликда ўзига хос мактаб яратилди. Асакада ишлаб чиқарилаётган автомобилларимиз доверуғи дунёга таралди. Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 22200 тага етиб, уларнинг аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашдаги ҳиссаси ортди. Айниқса, бунёдкорлик борасидаги ўзгаришларни айтмайсизми?! Биргина Андижон шаҳрини олайлик. Кейинги бир неча йил ичида вилоятимиз маркази қиёфаси тубдан ўзгариб кетди.

Ҳар гал Ўзбекистон шоҳқўчасидан ўтар эканман, бу ердаги мухташам иморатлар, ободлик, саришталикни кўриб, фахрланиб кетаман. Ана шу манзарани томоша қилиб, чет эллик меҳмонлар ҳам ҳайратга тушганига ўзим бир неча бор гувоҳ бўлганман. Хўш, бу нимадан далолат? Энг аввало, юртимизда, вилоятимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикнинг, Юртбошимиз томонидан олиб борила-

ётган оқилона сиёсат ва халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг тотли меvasи бу! Шунингдек, Президентимиз нутқида вилоятда 2006 — 2012 йилларда 53 та лицей ва коллеж, 159 та умумтаълим мактаби, 17 та мусиқа ва санъат мактаби қурилгани ҳамда реконструкция қилингани таъкидлаб ўтилди. Муҳими, шаҳар ва туманлар марказларида бошланган бундай улкан бунёдкорлик ишлари бугун барча қишлоқ ва маҳаллаларни ҳам қамраб олмақда.

Айтиш керакки, туманимиз миқёсида амалга оширилган ишлар ҳам кишини қувонтиради. Марказий оромгоҳимиз бутунлай янги қиёфага эга бўлди. Очиги, унга қараб кўз тўймайди. Бош кўчамизнинг икки томонида мухташам, замонавий иншоотлар, мажмуалар қуриб битказилди. Бундан ташқари, бозорлар, савдо мажмуалари, илгор технологияларга асосланган корхоналар қад ростлади. Янги йўллар, алоқа тармоқлари барпо этилди, тиббиёт, транспорт ҳамда маданий-маиший соҳаларда хизмат кўрсатиш сифати юқори даражага кўтарилди.

(Давоми 2-бетда).

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ПИРОВАРД МАҚСАД

“Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун яқинда кучга кирди. Мазкур Қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи, полковник Холматжон САЙДАЛИЕВ билан суҳбатлашдик.

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

— Маълумки, XXI аср — техника йиллари асри, — дейди Холматжон Аҳмедович. — Шунга мунанд равишда мамлакатимиз Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимида илм-фан янгиликлари ҳамда технологиялар ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. Нега деганда, кейинги

йилларда юртимизда автомобиллар сони кескин кўпайди. Бу, ўз навбатида, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш масаласини кун тартибига олиб чиқиши тушунарлидир.

Шу ўринда мамлакатимизда соҳанинг қонунчилик базаси яратилгани ва у тобора такомиллашти-

риллаётганлигини айтиш зарур. Масалан, ўтган йиллар мобайнида “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”, “Автомобиль транспорти тўғрисида”, “Шаҳар йўловчи транспорти тўғрисида”ги қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати қонунчилигини тасдиқлаш тўғрисида”, “Автомобиль транспортида йўловчилар ва бағажни ташиш қонунлари ҳамда автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳаётга татбиқ этилди.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ
ЮҚОРИ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши

7,5
фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан шу йил 18 январда республика ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларидан келиб чиқиб, иқтисодий модернизация ва унинг рақобатбардошлигини ошириш дастурининг тизимли ҳамда изчил амалга оширилиши туфайли, жаҳон иқтисодиётида давом этаётган инқирозли ҳолатларга қарамай, макроиктисодий барқарорликни ва республика иқтисодиётини ўстиришнинг юқори суръатларини сақлаш таъминланмоқда.

ЯНГИЛАНИШ

Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига келган ва бу ердан жўнатилган жами хат ҳамда маълумотларнинг қарийб 70 фоизи электрон кўринишда қайта ишланди. Бу Вазирлар Маҳкамасининг "Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилана фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида компьютер техникасидан самарали фойдаланиш, электрон ҳужжат айланиш тизими жорий этилишини такомиллаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар самарасидир.

ИШ ЮРИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛИ

Маълумки, бош мувофиқлаштирувчи сифатида Марказий банк учун тизим фаолияти самарадорлигини изчил ошириш, бошқарув механизмига такомиллаштириш, замон билан ҳамнафас қадам ташлаш ўзига хос хусусиятидир. Унинг мамлакат иқтисодиётидаги, иқтисодий-иқтисодий ислохлар жараёнидаги аҳамияти орттириб, замонавий ақил-наётган вазифаларнинг кўпайтигани эса Марказий банкка келадиган ҳамда жўнатиладиган хатлар, маълумот ва ҳисоботларнинг ҳажми ҳам охиби боришига олиб келмоқда. Айни чоғда муайян қарор қабул қилиш учун зарур бўлган ахборот ҳажмига қараганда қайтарилган маълумотнинг ўсиши олдинги даврдан нисбатан катта миқдордаги ҳужжатларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва сақлашни тақозо этмоқда. Бундай шароитда қоғоз ҳужжатлар билан ишлаш усули эскириб қолгани ва уни бошқариш, яъни замонавий йўсинда ташкил этиш зарурлиги аққол аён бўлмоқда.

Хабарингиз бор, бутун дунёда Марказий банкларнинг бошқарув фаолияти бир вақтинчи ўзида ҳам манба, ҳам натижа ҳисобланган ҳужжатлар ёрдамида амалга оширилади. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан, ташкилотда ҳужжат айланиши уни қабул қилиш ёки яратилган тартиб, то ижрочиларга етказиш ва ижро этилиши туғунга, яъни фойдаланишга топширилгунга қадар бўлган жараёни қамраб олади. Бинобарин, Марказий банкка келиб тушаётган қоғоз кореспонденцияларнинг асосий қисми тижорат банкларидан жўнатилган хатлар, маълумотлар ва ҳисоботлардан иборат. Уларнинг қоғоз кўринишида ишланиши — кўриб чиқиши, иқтисодий кўрсаткичлар бўйича умумлаштирилиши ва таҳлил қилиниши сартлаш жараёни бўлиб, ҳодимлар иш вақтининг асосий қисмини банд этади.

Шу маънода, ҳужжатлар айланишининг ташкилий-бошқарув, иқтисодий самарадорлигини таъминлаш, қўндалик иш жараёнида ҳужжат яратиши, таъминлаш, тарқатиш, ижро нозарати, сақлаш ва такорор фойдаланиш жараёнини ўз ичига олади. ЭХА ҳужжатларни сақлаб, уларнинг банк бўлимларида айланиши, бажарилишини кузатиб бориш имконини беради. Уларга қарор ҳам, топшириқ ҳам, бўйруқ ҳам ёзилмайди. Унинг ҳаққончилиги ва ижросини таъминлаш фақат электрон имзо билан тасдиқланади.

Автоматлаштирилган тизимларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда, аввало, Марказий банкнинг амалдаги иш юриши тартиби, меъёрий ва услубий талабларнинг бажарилиши, ҳисобот турлари, даврийлиги, тайёрлиши, тақдим бўлган барча ахборотларни бевосита тизимдан олиш имконини бераётди. Марказий банкнинг ЭХА тизими барча тижорат банкларининг бош бўлақларида шу мақсадда махсус ажратилган компьютер билан боғлианиб, ларнинг барча босқичлардаги ижросини назорат қилиш сифатини кескин ошириб, ҳужжатларни тайёрлаш мuddатларини прогнозлаш ва бошқаришга шартли яратгани, айниқса, диққатга сазовордир. Гап шундаки, уни қўллаш маълумотлар оморхонасидан ахборотларни туркумлаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, ҳисоботлар тайёрлашни анча энгиллаштирди. Аниқроғи, ЭХА бошқа шундай тизимлардан маълумотлар тиражланишининг олдини олишни умумий электрон папкалардан фойдаланиш; маълумотлар базасидан, бошқарув тизимига оид ахборотни ўз ичига олган ҳисоботларни автоматлаштирилган тартибда ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш рухсат этилган барча мутахассислар ушунга бўлимларида электрон папкаларига жойлаштириб қўйиш; раҳбар ҳодимларнинг хизмат сафари чоғида (республиканинг қайси ерида бўлишдан қатъи назар) банк телекоммуникация тармоғи орқали ҳужжатларни кўриб чиқиш, ижросини ташкил этиш бўйича тегишли кўрсатмалар киритиш ва масофадан имзолашда қўл келмоқда.

Иш услубини кескин ўзгартирган ва оптимлаштирган бу янги тизим, шунингдек, ҳужжатларни автоматлаштирилган равишда қайд этишда ҳосил қилинадиган турли электрон журналлардан фойдаланиш; раҳбарият топшириқлари ижросининг ҳолатлари, келган ва жўнатилган ҳужжатлар, қайд қилинган санаси бўйича бажарилган, бажарилиш мuddати ўтган, назоратга олинган, назорат мuddати ўтган ҳужжатлар, маълум мuddат оралиғида келган ва чиққан ҳужжатлар бўйича автоматлашган тарзда турли ҳисоботларни шакллантириш каби бир қатор афзалликларга ҳам эга. У Марказий банкнинг бошқа автоматлашган тизимлари билан интеграллашган ҳолда ишланиши алоҳида қайд этмоқ лозим.

Реклама ва эълонлар

Qishloq Qurilish Bank

юртдошларимизга қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

- МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА
«НАВРҶЗ». Муддати — 1 ой.
«БАҲОР». Муддати — 3 ой.
«БАРҲАЁТ». Муддати — 12 ой.
«ОБОД ТУРМУШ». Муддати — 24 ой.
«БИНАФША». Муддати — 6 ой.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА
«NEW». Муддати — 1-3 ой.

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилайтган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

«Мадда» — 1 йилдан кам бўлмаган мuddатга.
«Қурилишга бошлангич бадал» — 1 йилдан кам бўлмаган мuddатга.

Ушбу омонат турларига банкнинг барча филиалларида маблағ қабул қилинади.

Table with 2 columns: Branch name and phone number. Includes branches like Toshkent viloyati mintaka viyotli filiali, Andijon mintaka viyotli filiali, etc.

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидagi омонатларини химоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4057-сонли Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-76-53, 150-39-93. www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида! ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали

Бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиби бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Бобўт тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 9 декабрдаги 12-1101/14573 (27.1)-сонли, 2011 йил 9 декабрдаги 12-1101/14579 (27.1)-сонли, 2012 йил 13 апрелдаги 12-1201/5831 (27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Бобўтдавсувмаҳсуспудрат» давлат унитар корхонасига тегишли, Сирдарё вилояти, Учтўроғ маҳалласи, Усмон Носир бўлими ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 35527,0 кв.м., умумий қурилиш майдони 3481,29 кв.м. бўлган, 0022 литердан иборат, фойдаланишга яроқли идора ва ёрдамчи бинолар арзонлаштирилган ҳолда такороран қўйилмоқда.

Барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳўжалик бирлашмаларида ЭХА тизимининг жорий этилиши ҳамда идоралараро электрон ҳужжат алмашинувининг тўлиқ йўлга қўйилиши бу эзгу мақсаднинг рўёбга чиқишида муҳим омил бўлиши мўқарардир.

Сабоҳат ХАЙТКАРИЕВА.

Аукцион савдоси 2013 йил 15 май кунли соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати — 2013 йил 13 май кунли соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, реактивлар ва тиббий буюмларни марказлашган асосда сотиб олишга тендер (танлов) савдолари эълон қилади.

Тендерда талабгорларга қўйиладиган шартларни бажарган, харид қилинадиган махсулотнинг тегишли ҳажмидаги етказиш бериш таъжрибасига эга бўлган фармацевтика махсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улгуржи ташкилотлар катнашишига мумкин. Мамлакатимиз корхоналари — ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво преференциялари берилади. Тендерда иштирок этиш истигадиги талабгорлардан аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб 2013 йил 27 май соат 15.00 гача қабул қилинади.

Тендер комиссияси ишчи органининг номи ва манзили: Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси — 130000, Қарши шаҳри, Хонобод катта йўли, 28-уй. Телефон: (8-375) 223-01-60, факс: 223-03-65. E-mail: qashqadaryo.ssb@tin2drav.uz. Республика молия вазирлиги газначилиги, ғазна х/р: 23402000300100001010. Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси ҚХКМ, МФО: 00014, СТИР: 201122919. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, ш/х: 400121860104017950100054007, СТИР: 202445998, ОКОНХ: 97400.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади. (ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚҚ сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади. Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган. Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан. 2013 йилдаги эҳтиёжни йил чорақларига бўлиб беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиби бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2012 йил 10 майдиги 10-1219/5210-сонли ва 2012 йил 9 апрелдаги 10-1209/2206-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Қатортол 1-тор кўчаси, 12-«А» ўйда жойлашган, умумий ер майдони 432 кв.м. бўлган, жами 18 хонадан иборат 2 қаватли маъмурий бино такороран қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 154 374 277,48 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 16 май кунли соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Самарқанд вилояти филиали

Бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиби бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ургут тумани СИБ томонидан ЖИБ Самарқанд вилояти судининг 2009 йил 10 февралдаги 2/192-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ургут шаҳри, Почво кўчаси, 17-ўйда жойлашган, «Рисола» ХИЧФга тегишли, қурилиш ости майдони 4834,33 кв.м. бўлган, Е литер остида қурилган, 187 та хонадан иборат, таъмирлатиб 3 қаватли савдо маркази биноси такороран қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 303 603 165 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 15 май кунли соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик

гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати — 2013 йил 14 май кунли соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамчи кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

вақти). Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати — 2013 йил 13 май кунли соат 18.00.

Талабгорлар диққатига! Ушбу кўчмас мулк 2013 йил 15 майдиги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такоррий аукцион савдоси 2013 йил 31 май кунли бўлиб ўтади. Такоррий савдо учун аризаларни қабул қилишининг охири мuddати — 2013 йил 29 май кунли соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АИТБ «Ипотека-банк» «Кўксарой» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

Манзил: Самарқанд ш., Бўстонсарой к., 85-«А» уй. Телефон: (8-366) 233-80-56. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

Advertisement for TAYFUN PLASTIK featuring additives and dyes for polypropylene. Includes contact info: Tsh 64-20438253-01: 2011, PRODUCES AND REALIZES: ООО «TAYFUN PLASTIK», ADDITIVES AND DYES: «MASTERBATCH» полимерные суперконцентрированные, PRODUCES INDIVIDUALLY ON ORDER: КАЛЬЦИЙ КАРБОНАТ в гранулах, CONTACT: (+99898) 369-09-90, 215-68-06, факс: 281-59-89.

СОҒЛОМ ҲАЁТ УЧУН!

“Туркистон” саройининг ёзги сахнасида “Ҳаёт учун!” хайрия концерт акцияси бўлиб ўтди.

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Ҳаёт учун!” кўкрак беги саратонига қарши миллий уюшма, “Аёллар кенгаши” Республика жамоат бирлашмаси, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, шифокорлар, талаба-ёшлар қатнашди.

2013 йил — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ишлар инсон манфаатларини таъминлаш учун ҳизмат қилмоқда. Бу жараёнда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси томонидан ҳам аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, тиббий маданиятини юксалтириш, айниқса, хотин-қизлар соғлигини мустаҳкамлашга оид қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Тошкентлик Муҳайё Ҳамидхонова узоқ йиллар давомида ҳамшира бўлиб ишлаган. Унда 2011 йилда саратон хасталиги аломатлари аниқланган. Мураккаб жарроҳлик амалиёти ни бошидан кечирган Муҳайё опа кўрсатилган тиббий ёрдам билан бирга, энг аввало, маънавий кўмакдан хурсанд.

— Кўрсатилган ёрдам сабаб ҳаётга, ўғил-қизларим, фарзандларим даврасига қайтганимда кўзимга кувонч ёшлари келди, — дейди М. Ҳамидхонова. — Чунки саратоннинг охири ўлим, деб ўйлагандим. Биздай инсонларни яна ҳаётга қайтаришга катта ёрдам кўрсатётгани учун Президентимиздан миннатдорман.

Хайрия акциясида ёш ихрочилар иштирокда концерт дастури намойиш этилди. “Ҳаёт учун!” хайрия лойиҳаси тадбирларидан тушган маблағ аёлларда учрайдиган саратон касаллиги бўйича профилактика чораларини кучайтириш, опа-сингилларимизни тиббий кўридан ўтказиш, беморларга ёрдам кўрсатиш, уларни дори-дармон билан таъминлашга сарфланади.

Назозат УСМОНОВА, Ўза муҳбири.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Яқинда Хитойдаги Миллий кўргазмалар марказида “China Outbound Travel&Tourism Market” (“СОТТМ — 2013”) халқаро сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти кўмағида уюштирилган мазкур аънанавий тадбирда дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатидан келган сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Пекинда Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг намойиши

“СОТТМ — 2013” кўргазмаси доирасида мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги бой салоҳияти Ўзбекистон Республикасининг Хитойдаги дипломатия миссияси билан ҳамкорликда “ОтегСа” сайёҳлик компанияси томонидан тақдим қилинди. Тадбир меҳмонлари юртимиз заминидagi кўплаб тарихий обидалар ва қадимий осориётлар, халқимиз ўтмиши, авлоддан-авлодга ўтиб келётган ўзига хос аънаналари тўғрисидаги маълумотлар билан атрофлича танишдилар. Кўргазмада намойиш этилган ҳужжатли фильмлар ва халқ амалий санъати намуналари “СОТТМ — 2013” меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди.

Республикамиз сайёҳлик имкониятлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, “China Sport Travel” сайёҳлик компанияси вакили Ли Чжан бетақорр ва ранг-баранг табиатга, қулай климат шaroитлари ва бири-бирлардан гўзал қадимий шаҳарларга эга бўлган Ўзбекистон хитойлик сайёҳларни доимо ўзига оҳанрабодай тортишини эътироф этди.

— Ўзбекистон вакиллари мазкур кўргазмадаги иштироки мамлакатимизнинг бой сайёҳлик са-

лоҳияти билан батафсил танишиш учун имконият туғдирди, — деди у. — Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда, жумладан, сайёҳлик йўналишида ҳам жадал ривожланмоқда. Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмасини ҳар томонлама тақомиллаштириш ҳамда модернизация қилиш йўлида амалга оширилаётган оқилона сиёсат туфайли юртингизнинг халқаро туризм бозоридagi нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалиб бораётди.

«Жаҳон» АА. Пекин

Маданият хабарлари



“Янги авлод” болалар ижодий фестивали совриндори — “Тантана” болалар дастаси Туркиянинг Измир шаҳрида бўлиб ўтган

35-Халқаро болалар фестивалида муваффақиятли қатнашди.

«Тантана» олқиш олди

Мазкур нуфузли тадбирга дунёнинг 44 мамлакатидан ёш истеъод соҳиблари таширф бўюришди. Улар нафақат янги дўстлар орттириш, балки бу ерлик тенгдошлари ҳаёти билан яқиндан танишиш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Измир маданият ва истироҳат боғида ўтказилган фестивалнинг якунловчи қисмида Таиланд, Венгрия, Чехия ва Ўзбекистондан келган, шунингдек, мезбонлар — туркиялик болалар ўз санъатларини намойиш қилишди.

“Тантана” дастаси икром этган “Хоразм лагиси”ни йигилганлар олқишлар билан қутиб олишди. Тадбир якунида иштирокчи ансамблларга берилган баҳоларга кўра, “Тантана” қатнашчилари раэмий медал билан тақдирланди.

Гўзал РАҲМОНОВА.

Миллий аънаналарга эҳтиром

Иккинчи республика тиббиёт коллежида “Baxtiyorlar diyori” танлови ўтказилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги пойтахтимиз коллежлари ўқувчилари ўртасида ташкил этилган мазкур ижодий беллашувда иштирокчилар халқимизнинг бой маданияти ва аънаналари, кўп асрлик тарихи бўйича ўз билимларини синовдан ўтказдилар.

Барча жамоаларнинг миллий аънава ва урф-одатларимиз акс этирилган театрлаштирилган то-

мошалари, икром этган ракс ҳамда ашулалари ҳеч қимни бефарқ қолдирмади. Танлов натижаларига кўра, биринчи ўрин Тошкент педагогика коллежи, иккинчи ўрин Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи, учинчи ўрин эса Иккинчи республика тиббиёт коллежи ўқувчиларига насиб этди.

Хуришд ҲАМИДОВ.

Ўзбекистон — умумий уйимиз

Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона вилояти мусиқали драма ва комедия театрида Республика Байналмилал маданият маркази ташаббуси билан “Ўзбекистон — умумий уйимиз” республика дўстлик ва маданият фестивали бўлиб ўтди.

Унда ҳудудда фаолият юритаётган рус, корейс, туркман ва тожик миллий маданият марказлари томонидан тайёрланган мусиқий дастур намойиш этилди. Шунингдек, фестиваль доирасида “Обод турмуш шаклланишида миллий ва маънавий қадриятларнинг ўрни” мавзуга бағишланган илмий-амалий семинар ҳамда “Кўп миллатли ва кўп конфессияли Ўзбекистон” деб номланган фото ҳамда амалий санъат асарлари кўргазмаси ҳам ташкил қилинди.

Нодинер ЖАВЛОНОВ.

Соврин билан қайтишди

Ўзбекистон ёшлар театри жамоаси Санкт-Петербургда ўтказилган халқаро фестивалда Кирилл Лавров номидаги мукофот совриндори бўлди.

Ўн бешинчи бор ташкил этилган мазкур тадбирда юртимиз ижодкорлари билан бир қаторда Арманистон, Беларусь, Грузия, Исроил, Қирғизистон, Латвия, Молдова, Украина, Эстония каби мамлакатлар театр жамоалари ўзлари тайёрлаган саҳна асар-

ларини намойиш қилишди. Анжуманда Ўзбекистон ёшлар театри режиссёри Наби Абдураҳмонов саҳналаштирган “Маликаи Турандот” асари ҳақамлар ҳайъати ҳамда томошабинларнинг муносиб эътирофини қозонди.

Саодат УСМОНОВА.

Спорт

Шу кунларда пойтахтимиз шашка бўйича Осиё чемпиони титлига эришди.

Ҳамюртларимиз Осиё чемпиони

Унда қитъамизнинг ўндан ортқ мамлакатидан келган 200 нафарга яқин спортчи 64 ва 100 катакли шашка беллашуварларида маҳоратини намойиш этмоқда.

Чемпионатнинг дастлабки кунлари 64 катакли шашка бўйича олти ёшгача бўлган ўғил болалар ҳамда етти ёшгача бўлган қизлар ўртасида ҳамюртларимиз Озодбек ўрмоналиев ва Зебинисо Мамасолиева олтин медалларни қўлга киритди.

Ун ёшгача бўлган қизлар мусобақасида қозонистонлик Анел Давлатова муваффақиятга эришди.

Россиянинг Иваново шаҳрида бадий гимнастика бўйича ташкил этилган халқаро турнирда ўзбекистонлик спортчилар ҳам муваффақиятли қатнашиб, бир жупт медалга соҳиб бўлдилар.

Мусобақанинг яқаллик баҳсларида Зулфия Йўлдошева тасма ёрдамида машқ бажариш бўйича кумуш, Нилуфар Шомуродова эса тўп билан бажарган композицияси учун бронза медалга лойик, деб топилди.

Ёш полвонлар мусобақаси

400 нафардан ортқ ёш спортчи совринли ўринлар учун кураш олиб борган беллашуварлар якунида Ж. Уроқов, А. Жўрақуллов, Ф. Сулаймонов, Ж. Мирзаев, Б. Омондавлатов, М. Абдуқоликов, Н. Баратов, А. Аскаржонов ва И. Сатторов каби умидли полвонларимиз ўз ваэн тоифаларида голиб чиқишди.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.



Зукко ва ораста қизлар

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқени ошириш, қизлар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий ҳаёт тарзимизга зид ғоялар таъсиридан ҳимоялаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу бордада мамлакатимиз таълим қисманларида ташкил этилган “Ораста қизлар” тўғарақлари қизларни ҳаётга тайёрлаш, эрта турмуш қуришининг олдини олиш, никоҳ ёшидаги қизлар ўртасида оила муқаддаслиги, ўзаро муносабатлар ҳақида кенг тушунча беришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ТАДБИР

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган “Ораста қизлар” республика фестивалининг якуний босқичида ҳам бу алоҳида таъкидланди. “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил қилинган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги

умумий ўрта таълим мактаблари, коллеж ва лицейларда фаолият кўрсатаётган “Ораста қизлар” тўғараги аъзолари иштирок этди.

Тадбир қатнашчилари дастлаб хуриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз раэмий — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди, пойтахтимизда амалга оширилган бунёд-

корлик ишлари билан танишди.

“Ораста қизлар” республика фестивалида мактаблар, коллеж ва лицейларнинг 800 миң нафардан ортқ ўқувчиси қатнашди. Фолибрани мамлакат босқичига саралаш жараёнида тўғарақлар фаолияти, қизларнинг сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий, тиббий-экологик соҳалардаги билимига асосий эътибор

қаратилди. Мамлакатимиз туман ва шаҳарларидан энг яхши деб топилган 194 нафар қиз 14 худудий жамоага бирлашиб, мазкур фестивалнинг мамлакат босқичига етиб келишди.

Фестивалда Фарғона вилоятининг “Нихол” жамоаси биринчи ўринга лойик, деб топилди. Самарқанд вилоятининг “Зукко қизлар” жамоаси иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин Тошкент вилоятининг “Нихол” жамоасига насиб этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Зебо НУРМОИНОВА, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси мутахассиси. Асқар ҲАМИДОВ (Ўза) олган сурат.

Имкониятлар эшиги очик

Бухоро азал-азалдан моҳир хунармандлари томонидан тайёрланган зардўзи буюмлари, қуллолик маҳсулотлари билан ном қозонган. Айниқса, етти рангда товланувчи кашталари ўзгача.

ФАҲР

Вилоятимизда амалий санъат билан бир қаторда, жезгарлик, мискарлик ҳам ривожланиб бормоқда. Хусусан, биз ҳам мис ва жез маҳсулотларидан уй-рўзгор, совғабоп буюмлар ясайимиз. Хондонимизда турли даврларда яратилган мискарлик буюмларининг бир қатор ноёб намуналари сақланаётганини маҳсулотларимизда қадимий ва замонавий нақшлар уйғунлигини акс эттириш имконини бермоқда.

Қадим Бухоронинг биз яшайдиган Баракан маҳалласида хунармандчилик билан шуғуланмайдиган хондон камдан-кам учрайди. Хунар туфайли дастурхонларимиз тўқин, турмушимиз фаровон. Шаҳримиздаги устозадалар “Хунарманд” уюшмасига бирлашган бўлиб, хунармандларнинг иктисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, ишлаб чиқараётган маҳсулотларини сотишда кўмаклашмоқда.

Бухоролик уста ва устозадалар ўз ижод намуналари билан пойтахтимизда ҳамда жаҳоннинг бир қатор мамлакатлари, хусусан, Франция, Италия, Германия сингари давлатлардаги йирик кўргазмаларда иштирок этиб келмоқда. Айни пайтда мен ҳам ана шундай нуфузли тадбирда қатнашиб, маҳсулотларимни намойиш қилиш тараддуидиман. Бу мен учун фахрлидир. Ахир ўз хунаран билан юрт доврўига доврўқ қўшишдан ортқ бахт борми дунёда?

Фирдавс СУЛТОНОВ, хунарманд.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТЛАРИДА ЎТҚАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 13 АПРЕЛДАН 26 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

1. Давлат рўйхатини ўтказилди:

- 1. «Савдо шохобчалари ва бозорларда гўшт маҳсулотларини сотишга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги йирикномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Устандарт» агентлигининг 2013 йил 25 мартдаги 3/1, 11, 105-сонли қарори.
- 2013 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1610-1 (2013 йил 29 апрелдан қучга кирди).
- 2. «Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш, узатиш учун ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфларининг меъёrlарини ҳамда иссиқлик юктамаларини, шунингдек технология йўқотишларини аниқлаш тартиби тўғрисида низомином 23-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қабрини геология ўрганиши, санаотда, қончилиқда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2013 йил 28 мартдаги 4, 34, 01-1/376, 47-сонли қарори.

2013 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1687-1 (2013 йил 29 апрелдан қучга кирди).

- 3. «Тракторлар, ўзиморар шассилар, мелиоратив, йўл-қурилиш машиналари ва трактор тиркачаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақидаги буйруқни ўз қучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2013 йил 25 февралдаги 37-сонли буйруғи.
- 2013 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1432-1 (2013 йил 29 апрелдан қучга кирди).
- 4. «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаси, шунингдек машина-трактор парклари, устаноналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2013 йил 25 апрелдаги 58-сонли буйруғи.
- 2013 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2452 (2013 йил 29 апрелдан қучга кирди).
- 5. «Марказий банк томонидан микрокредит ташкилотида ички булут қозғалғи қўйиладиган талаблар тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 16 мартдаги 6/2-сонли қарори.
- 2013 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2453 (2013 йил 29 апрелдан қучга кирди).

6. «Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қондаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 16 мартдаги 6/3-сонли қарори.

- 2013 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1642-1.
- 7. «Дарё транспортини техник ишлаш қондаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспортни агентлиги бошлигининг 2013 йил 26 мартдаги 56-сонли буйруғи.
- 2013 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 990-3 (2013 йил 29 апрелдан қучга кирди).
- 8. «Давлат реестридан чиқарилиди: 1. «Тракторлар, ўзиморар шассилар, мелиоратив, йўл-қурилиш машиналари ва трактор тиркачаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми» (рўйхат рақами 1432, 2004 йил 17 декабрь). Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган. 2. «Давлат реестридан чиқарилиди» (рўйхат рақами 117-м-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилиди). Мазкур ҳужжат қончилиқка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилиди.

Qishloq Qurilish Bank
OATB «Қишлоқ қурилиш банк»
Фуқаро муҳофазаси учун зарур бўлган анжомлар
сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.
Танлов савдоларида қатнашиш учун тақлифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 7 иш куни давомида қабул қилинади.
Қўшимча маълумотлар учун манзил:
100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй.
Телефонлар: (8-371) 150-76-85, 150-77-41.
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳайъати ҳамда касаб уюшмаси Бирлашган Кўмитаси Фанлар академияси вице-президенти, академик Тоҳир Фотиҳовчи Ариповга ораси
Фарида АРИПОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
Ўзбекистон давлат ҳаётини тиллари университетини раҳбарияти ва касаб уюшма Кўмитаси Сиёсий менежмент ва халқаро журналистика кафедраси собиқ доценти, иқтисод фанлари номзоди
Шамсиддин БОЗОРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қончилиқ палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454, 115 822 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.
ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛЪЕМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИҒГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТ КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИДА ТЕРИЛДИ ҲАМДА ОПЕРАТОР М. БЕГМУРАТОВ ТОМОНИДАН САҲФИЛАЛАНДИ.
• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орнов. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев. Навбатчи — Д. Улуғмуродов. Мусахҳас — Ш. Машраббоев.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ўза якуни — 22.00. Тошширилки — 23.00. 1 2 3 4 5